

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БОЙКО ЕЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА

**БУЙРАК ҲЎЖАЙРАЛИ САРАТОНИ
ИНТРАЛЮМИНАР ВЕНОЗ ИНВАЗИЯСИДА
ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бойко Елена Владимировна

Буйрак хўжайрали саратони интралюминар веноз
инвазиясида жарроҳлик давоси..... 3

Бойко Елена Владимировна

Хирургическое лечение почечно-клеточного рака с
интралюминарной венозной инвазией 25

Boyko Elena Vladimirovna

Surgical treatment of renal cell carcinoma with
intraluminary venous invasion 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib77.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БОЙКО ЕЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА

**БУЙРАК ҲЎЖАЙРАЛИ САРАТОНИ
ИНТРАЛЮМИНАР ВЕНОЗ ИНВАЗИЯСИДА
ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гайбуллаев Асилбек Асадович тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етачки ташкилот:	Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.Н.Блохин номидаги онкология миллий тиббий тадқиқот маркази» ФДБМ

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100110, Тошкент шаҳар, Фароби кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳар, Фароби кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2019 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А.Гафур-Ахунов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси уринбосари
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Адилходжаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х.Ходжибеков,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда буйрак ўсмалари катта ёшдаги одамларда учрайдиган хавфли ўсмалардан бири бўлиб қолмоқда. «Хавфли ўсмалар орасида буйрак саратони ўсиш суръати бўйича биринчи, тарқалиши жиҳатидан барча онкологик касалликлар орасида 10-ўринни эгаллайди»¹. «Буйраклар саратони билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 1,4 ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 га кўтарилган. Барча буйрак ўсмаларининг 80% буйрак-хужайра саратони ҳиссасига тўғри келмоқда»². Касалликнинг маҳаллий тарқалган кўринишларидан бири, бу буйрак веналари ва пастки ковак веналар ичида ўсмаларнинг аниқланишидир. «Ўсмаларнинг буйрак веналари ва пастки ковак веналар ичида тарқалиши ўсма тромбозлари бўлиб, пастки ковак вена (ПКВ) инвазиялари 4-10% беморларда учрайди, улардан 60% да тромблар жигар веналарида кузатилмоқда»³.

Жаҳонда одамларда буйрак хужайрали саратони келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш, эрта жарроҳлик даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш, эрта ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, жарроҳлик тактикаларини такомиллаштириш, буйрак саратон касаллиги асоратларини янгича даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш, паллиатив жарроҳлик амалиётини метастазлари бўлган буйрак саратонли беморларда қўллаш ва реабилитация чора-тадбирларини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан буйрак саратони касаллиги келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»⁴ вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, буйрак

¹ Wang Z., Zhang K., Zhang H., Sun D., Li Y., Tan Q., Fu Q. A rare case report of one stage surgical treatment for left renal cell carcinoma with level IV intravenous tumor thrombus combined with severe coronary artery stenosis. // *Medicine (Baltimore)*. – 2018 - 97(19). - e0433

² Тилляшайхов М.Н. Национальная программа противораковой борьбы (О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.). // Фергана. - 2018

³ Boorjian S.A., Sengupta S., Blute M.L. Renal cell carcinoma: vena caval involvement. // *BJU Int.* – 2017. - 99(5 Pt B). - 1239-1244

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ги ПФ-4947-сон Фармони

саратонини эрта даврида ташхислаш ва жарроҳлик даволашни юқори замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига кўрсатиладиган онкологик ёрдамни янада такомиллаштириш ва онкологик хизматни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилга мулжалланган чора-тадбирлари тўрисида»ги ПҚ-2666-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Буйрак-хужайра саратони ҳар хил генетик ва эпигенетик нуқсонлар тўпламига эга бўлган, гистопатологик ва молекуляр-гетероген ўсмалар гуруҳига мансубдир. Буйрак ўсмаларининг морфологияси, иммуногистохимияси, геномикаси ва эпидемиологиясини тушиниб етиш, уларнинг молекуляр-патологик эпидемиологиясининг янги хусусиятларини очилишига олиб келди. БҲСнинг скрининги ва эрта ташхислаш бу касалликни текширишда бошланғич устувор йўналиш сифатида қабул қилинди. Шунга қарамасдан, охириги ўн йил ичида БҲС скрининги бўйича унчалик катта бўлмаган, бор йўғи битта тадқиқот натижалари эълон қилинган холос. БҲС скрининги Вильсон ва Юнгнернинг кўпгина меъзонларига мос келади, бироқ айрим ноаниқликлар кейинги тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади (Chen Y.B., Xu J., Skanderup A.J., et al., 2016).

БҲС даги истиснолардан асосийси шуки, у қон томирлар деворига ўсиш (инвазия)га биологик жиҳатдан мойил бўлади ва бу ҳолат биринчи навбатда қон томирларнинг ички тармоқларига таъсир қилади. Тўғридан-тўғри пастки ковак венага томон ҳаракатланади ва юракнинг ўнг бўлмачасигача бориб этади (Ouellet S., Binette A., Nguyen A., Garde-Granger P., Sabbagh R. 2018).

Жуда кўп ҳолларда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатлари пастки ковак вена (ПКВ) дан жарроҳлик йўли билан ўсма тромбинини олиш билан боғлиқдир. Ўтказилган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, жарроҳлик амалиёти вақтида ўлим ҳолати 1,4% дан 13% гача, жарроҳлик амалиётдан кейинги асоратлар эса 30-60% гача этади. Бундан ташқари, сепсис, қорин орти бўшлиғидан қон кетиш ва жигар етишмовчилиги каби ҳолатлар жарроҳлик амалиётдан сунг энг кўп учрайдиган асоратлар сирасига киритилди (Powles T., Kayani I., Sharpe K., et al. 2013).

D.G.Skinner et al. (2017) жигар ости, жигар орти магистрал қон томирларидан, юрак бўлмачасидан жарроҳлик амалиёти ёрдамида ўсма структуралари олингандан сунг беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги 5 йиллик ҳаёт давомийлиги 35%, 18% ва 0% бўлганлигини таъкидлашмоқда.

Шундай қилиб, буйракларнинг метастатик саратони билан оғриган, соматик ҳолати яхши бўлган баъзи беморларни даволашда, кўриб чиқиладиган даволаш вариантлари доирасида фаол жарроҳлик тактикасини ҳам киритиш зарур (Тилляшайхов М.Н., Абдурахмонов Д.К., Набиев С.Р. ва бошқалар 2018). Мавжуд адабиётларни ўрганиб чиқишдан шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги даврда ўсма тромбози билан асоратланган БҲС ни даволашда жарроҳлик усулларини такомиллаштириш дунё онкологиясида энг долзарб ҳисобланади. Қасаллик оқибатига ижобий таъсир қилувчи янги омилларни қидириб топиш беморларни даволаш самарасини ошириб, уларни ҳаёт давомийлигини узайтиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади буйрак хўжайрали саратони интралюминар веноз инвазиясида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада буйрак саратони мавжуд беморларда веноз инвазиялар учраши ва турли ташхислаш усуллари самарадорлигини аниқлаш;

магистрал қон томирлар зарарланиши билан кечадиган буйрак саратонида нефрэктомия билан пастки ковак венадан тромбэктомия амалиётида жарроҳлик босқичларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

интралюминар веноз инвазияли буйрак саратонини даволаш тактикасига боғлиқ яқин ва узоқ муддатли натижаларини солиштириш;

магистрал қон томирлар инвазияси билан кечадиган буйрак саратонида ҳавф омиллари ва прогнозлаш натижаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интралюминар веноз инвазия билан кечадиган буйрак хўжайрали саратони билан даволанган 133 та беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида буйрак хўжайрали саратони ўсмасидан олинган материаллар гистологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, рентгенологик, ультратовуш, гистоморфологик, нур бериш, жарроҳлик ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор асосий магистрал қон томирлари тромбози билан кечадиган буйрак саратонида ўрта лапаротом кириш оптимал жарроҳлик амалиёти эканлиги асосланган;

пастки ковак венада ўсма тромби миқдориға боғлиқ зарарлаган ўсма массасини олиб ташлаш асосида жарроҳлик усули такомиллаштирилган;

метастатик буйрак саратонида ўсма тромбини тўлиқ олиб ташлашда жарроҳлик ва иммуно-таргет даволаш усуллари бирга қўллаш самарадорлиги исботланган;

илк бор буйрак-ҳужайра саратонида қон томирлар деворига ўсма инвазияси ва унинг миқдори канцерогенез жараёни кечишининг оғирлик омили эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

регионар ва узоқ метастатик ўчоқлари мавжуд бўлган беморларни фаол жарроҳлик усули билан даволаш учун тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

пастки ковак венанинг диафрагма ости бўлимини зарарлаган ўсма массасини олишда ўрта лапаротомия жарроҳлик усули оптималлиги асосланган;

пастки ковак венадан тромбэктомия босқичи билан ўтказиладиган нефрэктомия амалиётини жарроҳлик усули хусусиятлари деталлаштирилган.

интралюминар веноз инвазияли буйрак саратонини даволашда керакли жарроҳлик усулини танлаш яқин ва узоқ муддатли натижаларининг прогнозлаш омили эканлиги исботланган;

буйрак саратонининг пастки ковак венага инвазиясини даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буйрак ҳужайрали саратони интралюминар веноз инвазиясида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда асосий магистрал қон томирлари тромбози билан кечадиган буйрак саратонида жарроҳлик амалиёти ҳажмининг янги кўрсаткичлар мажмуаси аниқланиши, жарроҳлик усули босқичлари такомиллаштирилиши, метостатик буйрак саратонида ўсма тромбини тўлиқ олиб ташлашда янги фаол жарроҳлик билан иммуно/таргет усуллари қўллаш беморларни

самарали даволашда муҳим омил бўлиб, жамиятга ижтимоий ва иқтисодий зарарни камайтириш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган регионар ва узоқ метастатик ўчоқлари мавжуд бўлган беморларни фаол жарроҳлик усули билан даволаш учун тавсиялар ва кўрсатмалар, пастки ковак венанинг диафрагма ости бўлимини зарарлаган ўсма массасини олишда ўрта лапоратомия жарроҳлик усули ва нефрэктомия амалиётини жарроҳлик усули хусусиятлари деталлаштирилганлиги асоратлар ривожланишини олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буйрак хўжайрали саратони интралюминар веноз инвазиясида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Буйрак саратонининг пастки ковак венага инвазиясини даволаш-ташхислаш алгоритми» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабрдаги 8н-р/366-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак саратонини пастки ковак венага инвазиясини эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини танлашга хизмат қилади;

буйрак хўжайрали саратони интралюминар веноз инвазиясида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ва ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг онкоурология бўлими ҳамда унинг Фарғона ва Жиззах вилояти филиаллари амалиётига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 07 январдаги 8н-д/3-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар буйрак саратонини буйрак венаси ва пастки ковак венага инвазиясини эрта ташхислаш, жарроҳлик амалиети ҳажмини аниқлаш ва тиббий ёрдам сифатини оширади, касаллик асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларни стационарда даволанишини қисқартириши ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Интралюменар веноз инвазия билан кечадиган буйрак-хужайра саратонини скрининг қилишнинг ва даволашнинг янги стратегияси (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобда ҳар хил манбалардан олинган, дунё миқёсида буйрак саратони касаллиги билан касалланишнинг ва ундан ўлим ҳолатларининг кўпайиш тенденциясини кўрсатувчи адабиётлар қисқача таҳлил қилинди, бу эса ўз навбатида бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги аниқлаб берди.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобда текширилган беморларнинг клиник тавсифи, нур диагностикаси усуллари, ўсмаларнинг патоморфологик параметрлари, ўтказилган жарроҳлик амалиёти усуллари, қўлланилган статистик таҳлил усуллари батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг **«Интралюменар веноз инвазия билан кечадиган буйрак саратонини жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижалари»** деб номланган учинчи бобда жарроҳлик амалиёти билан даволаниш маълумотлари келтирилган.

Биз томонимиздан тадқиқот учун ажратиб олинган барча мижозларда тромблар диафрагма остида аниқланди (R.G.Neves ва H.Zincke таснифи бўйича I, II, III даражалар).

1-гурухда, мижозларда тромбэктомия билан биргаликда радикал нефрэктомия ўтказилганда, жигар ости – тромб ҳосил бўлишнинг II даражаси энг кўп (46,05±4,32 ҳолларда) учради. Буйрақлар олди ва жигар орти соҳаларида тромб ҳосил бўлиш даражаси деярли бир хил, яъни 28,95±3,93% ва 25,0±3,75% ҳолларда учради.

2-гурух беморлар, уларда тромбэктомиясиз нефрэктомия ўтказилди. Тромб ҳосил бўлиш даражаларидан қай бири устун туришни аниқлаш жуда мушкул бўлди, чунки барча учала типи ҳам деярли бир хил миқдордаги беморларда кузатилди.

3-гурух беморлар, бу беморларнинг аҳволи физиологик жиҳатдан қониқарсиз бўлганлиги сабабли фақатгина иммун ва таргет терапия ўтказилди. Бунда буйрак олди тромблари энг кўп 44,44±4,3% ҳолатларда кузатилди. Жигар ости ва жигар орти ҳолатлари ҳар бири 27,78±3,9% ҳолларда кузатилди.

Мижозларни кўрик вақтида пастки ковак вена обструкциясининг клиник белгилари текширилди. Бунда, энг кўп қорин соҳасини тери ости веналарининг кенгайиши эътиборни жалб қилди, бу белгилар барча текширилган гуруҳларнинг 5-12% беморларида кузатилди. Шунингдек, яна кўп учрайдиган клиник белгилардан бири, бу қориннинг катталашиши (асцитга ухшаш) ва қорин соҳаси тери ости веналарининг кенгайишидир. Бу белги барча гуруҳдаги беморларнинг 6-11% да кузатилди. Бироқ, кўрик вақтида ПКВ обструкциясининг клиник белгилари билан беморлар жуда кам бўлса ҳам (амалиётда барча текширилганлар орасида 10%дан ошмади) буйрак-хужайрали саратон билан касалланган беморларда тромб ҳосил бўлишни аниқлаш, шу билан бирга, замонавий диагностика апаратларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш муҳимлиги маълум бўлди, яъни мазкур касалликда 100% ҳолларда. Одатда ПКВ даги тромб ўсма тромбини краниал даражасининг жойлашган поғонасига қараб аниқланган ва даволанган.

Буйрак хужайрали саратон касаллигида канцерогенез жараёнининг оғирлиги ва жарроҳлик терапиясининг мураккаблигини аниқлаб берувчи бошқа бир омил, бу ўсманинг ПКВ деворига ўсиб кириши (инвазияси)дир. 3,4 жадвалда БҲС билан касалланган беморларни ўсма инвазисининг тури ва жарроҳлик амалиётининг ҳажмига қараб тақсимланиши кўрсатилган. Беморларда ПКВ деворига ёпишмасдан сузиб юрувчи тромб энг кўп учради – 39,1±4,23% ҳолларда. Бу эса ўз навбатида беморларда радикал нефрэктомия билан биргаликда тромбэктомия жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказишга имкон берди. Кўпчилик ҳолларда бу жуда ҳам яхши натижаларни берди.

Нефрэктомия билан биргаликда ПКВ четларини кесиш 17,3±3,28% миждозларда ўтказилди.

2-гуруҳ беморларида паллиатив нефрэктомия ўтказилди. Уларнинг сони барча текширилган беморларнинг 29,3±3,95% ни ташкил қилди.

1-жадвал

Ўсма инвазиясининг тури ва жарроҳлик амалиётининг ҳажмига қараб тақсимланиши

Ўсма инвазисининг тури		Сони
1.	Сузиб юрувчи тромб (ПКВ деворига ўсиб кирмаган) - ТЭ билан биргаликда радикал НЭ	52(39,1±4,23%)
2.	Ёпишган тромб (ПКВ деворига ўсиб кирган): - НЭ билан биргаликда ПКВ четларини кесиш; - НЭ билан биргаликда каваяктомия; - Паллиатив НЭ; - Эксплоратив НЭ	23 (17,3±3,28%); 1 (0,7±0,12%); 39 (29,3±3,95%); 5 (3,8±1,66%)
3.	Аниқланмаган, беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган	13 (9,8±2,58%)
Жами		133 (100%)

Шундай қилиб, ўсма инвазияси нафақат жарроҳлик амалиёти тактикасини аниқлаб беради, балки кейинги даволаш натижаларига ҳам таъсир қилади, касаллик оқибатларини мураккаблаштиради, жарроҳлик амалиётидан кейинги тизимли ва таргет кимётерапиясига тузатишлар киритилишини талаб қилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, буйрак ўсмалари билан касалланган беморлардаўпка артерияси эмболиясининг хавфи юқори. Чунки хавфли ўсмаларда қоннинг ивувчанлиги ошиб, вена қон томирларида тромблар ҳосил бўлиш хавфи юқори бўлади.

Ўсма тромблари аниқланган заҳоти беморларда гепарин ёки кичик молекуляр гепарин (кумадин) билан антикаогуляция муолажаларини бошлаш тавсия этилади. Шунга қарамасдан бу усулнинг фойдаси камроқ исботланган. Бироқ, биз жарроҳлик амалиёти олдидан антикаогуляция ўтказилишининг бир қанча муҳим афзалликларини исботлаб бердик. Улар қуйидагилардир:

1. Ўпка артерияси эмболиси хавфини камайтиради;

2. Ўсма тромбининг рецессиясига олиб келади;

3. Ғовак тромблар ҳосил бўлишини олдини олади ёки уларни эритиб юборади.

Ўтказилган текшириш натижаларидан келиб чиқиб, ҳар куни ПКВ ва аортада жарроҳлик амалиёти ўтказмаётган урологларга биз шуни тавсия қилардикки, улар II ва III даражали тромбозларда қовак веналарни назорат ва реконструкция қилиш учун қон томир жарроҳларига мурожаат қилишлари зарур.

Тромбозларнинг III ва IV даражаларида кардиоторакал жарроҳлардан маслаҳат олиши зарур, чунки жарроҳлик амалиёти давомида медиастенал каналга кириш, қон томирларни шунтлаш ёки тромбларни олиб ташлаш зарурати туғилиши мумкин.

Тромбозларнинг II – IV даражаларида жарроҳлик амалиёти пайтида ТЭЭни ҳал қилиш учун кардиолог ёки кардиоанестезиолог маслаҳатлари зарур.

2 – жадвалда 1 ва 2 - гуруҳлардаги интролюминар веноз инвазияси мавжуд бўлган БҲС билан касалланган мижозлар келтирилган. Жарроҳлик амалиётидан кейин пайдо бўладиган асоратлар келтирилган. Энг кўп учрайдиган асоротлар сирасига қон кетишдан кейинги ўртача ва оғир даражадаги анемиялар ($9.02 \pm 2.48\%$), ичаклар парези ($6.77 \pm 2.18\%$), лимфория ($3,76 \pm 1,65\%$) ва ўткир буйрак етишмовчилиги ($3,76 \pm 1,65\%$) киради.

Ўткир миокард инфарктида, коагулопатик қон кетиш, ўпка артерияси майда шохчаларининг тромбоэмболияси, қорин бўшлиғи органлари эвентерацияси, сурункали буйрак етишмовчилиги каби бошқа асоратлар 1 – 2 беморларда учради, холос.

**Интролюминар веноз инвазия билан кечадиган БҲС касаллиги мавжуд
мижозларда жарроҳлик амалиётидан сўнг учрайдиган асоратлар**

Асоратлар	Касаллар умумий сонидан асоратлар миқдори	
	Абсолют рақамларда	%
Ўткир буйрак етишмочилиги	5	3.76 ± 1.65
Ўткир миокард инфаркти	2	1.5 ± 1.06
Коагулопатик қон кетиш	1	0.75 ± 0.75
Ўпка артерияси майда шохларининг тромбэмболияси	1	0.75 ± 0.75
Ичаклар парези	9	6.77 ± 2.18
Қорин бўшлиғи органлари эвентерацияси	3	2.26 ± 1.29
Сурункали буйрак етишмовчилиги	3	2.26 ± 1.29
Лимфория	5	3.76 ± 1.65
Қон кетишидан кейинги анемия (ўрта ва оғир даражаси)	12	9.02 ± 2.48
Жами	133	100

Дунё тадқиқотларидан маълумки, ўсма тромблари билан асоратланган БҲС да кўпгина беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказиш давомида ва жарроҳликдан кейин асоратлар келиб чиқади. Бизнинг тадқиқотларимиз давомида тромбэктомия айрим беморларда қуйидаги асоратларни келтириб чиқарди: буйрак етишмовчилиги ва пневмоторакс. Кўпчилик беморларда ичаклар парези, жарроҳлик амалиётидан сўнг жароҳатни йиринглашиши ва лимфория каби бир қадар оғир асоратлар кузатилди. Бу асоратлар беморларни жарроҳлик амалиётидан кейинги кузатувлар ва даволашлар натижасида муваффақиятли бартараф этилди.

2 – гуруҳдаги тромбэктомия ўтказилмаган мижозларда қорин бўшлиғи органлар эвентерацияси кўпроқ учради.

Тадқиқот ўтказилган гуруҳларда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни таҳлил қилиш шуни тасдиқладики, радикал нефрэктомия билан биргаликда тромбэктомия амалиётини ўтказиши оғир жарроҳлик асоратларини келиб чиқишини кўпайтирмайди. Бинобарин, учраётган асоратлар замонавий адабиётларда келтирилган худди шундай хажм ва мураккабликдаги жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлардан бир мунча камдир.

Жарроҳлик йўли билан кириш турлари

Жарроҳлик йўли билан кириш тури	Касалларнинг сони			
	1 – гуруҳ (n=76)		2 – гуруҳ (n=39)	
	Абс. рақамларда	%	Абс. рақамларда	%
Ўрта	69	90.9 ± 2.49	26	66.7 ± 4.09
Транслюмбал	2	2.6 ± 1.38	4	10.2 ± 2.62
Параректал	-	-	9	23.1 ± 3.65
Торакоабдоминал	3	3.9 ± 1.68	-	-
Шиврон бўйича	2	2.6 ± 1.38	-	-
Жами	76	100	39	100

Тадқиқотларимиз давомида 1 – 2 гуруҳларда жарроҳлик йўли билан киришнинг 5 турдаги амалиётларини бажардик (3 – жадвал). Кўпчилик ҳолларда жарроҳликнинг ўртадан кириш тури қўлланилди: шундай қилиб 1 – гуруҳда 90.9 ± 2.49% миқозда жарроҳлик амалиёти ўтказилди; 2 – гуруҳда 66.7 ± 4.09% миқозда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 2 – гуруҳда шунингдек, жарроҳликнинг параректал кириш тури қўлланилди (23.1 ± 3.65%), 1 – гуруҳдаги миқозларда бу усул қўлланилмади. Жарроҳликнинг транслюмбал, торакоабдоминал ва Шиврон бўйича кириш турлари 1 – 2 беморларга қўлланилди, охириги 2 тури эса фақатгина 1 – гуруҳ беморларига қўлланилди.

4 – жадвалда БҲС билан касалланган беморларда ПКВ нинг қайси пағонасида тромб ҳосил бўлишига қараб ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти тавсифининг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тромбоз даражасининг ортиши билан жарроҳлик амалиётининг мураккаблиги ва давомийлиги ортади. Агар 1 – даражали тромб ҳосил бўлган беморларда жарроҳлик амалиёти ўртача 1.25 ± 0.32 соат давом этган бўлса, тромбознинг 3 – даражасига ортиши жарроҳлик амалиёти вақтини 280% гача чўзади шунингдек, бу ерда қон йўқотиш ҳам муҳим аҳамиятга эга – тромбоз даражаси 1 дан 3 гача кўтарилганда қон йўқотиш 340% га ошади.

Мазкур тадқиқот ўтказиш давомида чап буйракда ўтказиладиган нефрэктомия билан биргаликда ўтказиладиган тромбэктомия амалиётида ўзига хос хусусиятлар намоён бўлди, бу эса ўз навбатида жарроҳлик амалиёти ўтказиш усулини коррекция қилинишини тақозо этди.

Диссертациянинг «**Интролюминар веноз инвазия билан кечадиган буйрак-ҳужайра саратонининг прогностик омилларини тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида касаллик оқибатларини ва режалаштириладиган даво муолажаларидан пайдо бўладиган хавфни аниқлашга ёрдам берувчи прогностик омиллар мажмуасини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. БҲС касаллигида ПКВ да ўсма тромби пайдо бўлганда уни ультратовуш текшируви, компьютер тамографияси, МРТ текширув усуллари орқали диагностика самарадорлиги солиштириб кўрилди.

УТТ дан фаркли ўлароқ КТ ва МРТ биз тадқиқот ўтказган гуруҳлардаги ҳамма беморларга ҳам қўлланилмади. Бунинг сабаби, бандай юқори технологияли нур диагностика усуллари ўзининг қимматлилиги билан ва кўпчилик ҳолларда шифокорларимиз ультратовуш текшируви билан чекланиши сабабли КТ ва МРТ кўп қўлланилмайди.

4-жадвал

Пастки ковак венада тромб ҳосил бўлиш даражасига қараб БҲС билан касалланган мижозларда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётининг тавсифи.

Клиник параметрлари	ПКВ I даражаси	ПКВ II даражаси	ПКВ III даражаси
Мижозлар (n)	45	51	37
эркаклар (%)	60,5±4,24	64,2±4,16	55,5±4,31
ёши (йилларда)	57,6±1,8	58,2±2,4	58,8±1,5
Симптомлари			
Ҳа	32(71,11±3,93%)	28(54,9±4,31%)	19(51,35±4,33%)
Йўқ	15(33,33±4,09%)	23(51,11±4,33%)	16(43,24±4,3%)
Ўсманинг ҳолати			
Чап томон	22(48,89±4,33%)	31(60,78±4,23%)	19(51,35±4,33%)
Ўнг томон	23(51,11±4,33%)	20(44,44±4,31%)	18(48,65±4,33%)
Амалиёт давомийлиги (соатларда)			
ўртача	1,25±0,12	1,45±0,21	3,5±0,78
Диапазон	0,55–2,0	1,15–3,0	2,45–4,14
Қон йўқотиш (мл)			
ўртача	250±10,2	400±15,7	850±22,1
Диапазон	50–700	100–3000	500–3500
Қон қуйиш (мл)			
Ўртача	0	350±12,4	1550±35,3
Диапазон	0–350	0–1500	0–2000

Бизнинг тадқиқотлар интролюминал веноз инвазиянинг мавжудлиги ва уни мақсадга мувофиқ даволаш усуллари танлашда нур диагностикасининг бир неча усуллари биргаликда қўллаш самарадорлигини ошириш устида бош қотиришга мажбур қилди.

5 – жадвалда БҲС да ўсма тромбига ташҳис қўйишда УТТ, КТ ва МРТ усуллариининг сезгирлиги, аниқлиги ва узига хослиги натижалари келтирилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда нур диагностикасининг барча усуллари қўллаганда уларнинг сезгирлиги деярли бир хил бўлиб ёлғон мусбат ҳолатлар кузатилмади. Олинган натижалардан шу нарса малум бўлдики УТТ, КТ ва МРТ усуллариининг ўзига хослиги барча ҳолатларда 100% га тенг бўлди. Бу эса ўз навбатида бу дигностик усуллариини бирга қўллаш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради. Бу текширув усуллариининг сезгирлиги ва

аниқлигига келсак нтижалар шуни кўрсатдики МРТ усулида текшириш УТТ ва КТ га қараганда бир мунча сезгир ва аниқроқдир. Бироқ УТТ ва КТ биргаликда қулланилганда пастки ковак венадаги тромбларни кўришда бир бирини тўлдириб, МРТ натижаларига тенглашади, айрим ҳолларда ундан аниқроқ ҳам бўлиши мумкин.

5-жадвал

БҲС да ўсма тромбига ташхис қўйишда УТТ, КТ ва МРТ усулларининг сезгирлиги, аниқлиги ва ўзига хослиги натижалари

Кўрсаткичлар	БҲС билан касалланган беморлар гуруҳида ПКВ тромбозига ташхис қўйиш кўрсаткичлари, %		
	1 гуруҳ (n=76)	2 гуруҳ (n=39)	3 гуруҳ (n=18)
УТТ			
Сезгирлиги	85,5±3,05	82,0±3,33	61,0±4,23
Ўзига хослиги	100,0	100,0	100,0
Аниқлиги	85,5±3,05	82,0±3,33	61,0±4,23
МСКТ			
Сезгирлиги	90,5±2,54	87,0±2,92	93,0±2,21
Ўзига хослиги	100,0	100,0	100,0
Аниқлиги	90,5±2,54	87,0±2,92	93,0±2,21
МРТ			
Сезгирлиги	91,0±2,48	93,0±2,21	100,0
Ўзига хослиги	100,0	100,0	100,0
Аниқлиги	91,0±2,48	93,0±2,21	100,0

Шундай қилиб қўлланилган нур диагностика усулларининг сезгирлиги, ўзига хослиги ва аниқлиги интролюминал веноз инвазия билан кечадиган БҲС ни даволаш (асосан жарроҳлик йўли билан) натижалари учун прогностик омиллар ҳисобланади. Айрим ҳолларда УТТ ва КТ қўлланилганда ёлғон манфий натижаларнинг учраши, нотўғри даволаш тактикасини танлашга сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида жарроҳлик амалиётини ўтказиш давомида ва ундан сўнг жиддий асоратларни келтириб чиқаради.

Замонавий онкоуролог бундай беморларга нур диагностикасини тавсия қилаётганда биринчи навбатда МРТ га этибор қаратиши зарур. Агарда бу усулни имконияти бўлмаса, УТТ ва КТ ни биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

БҲС да яна муҳим прогностик омиллардан бири пастки ковак венада тромб ҳосил булиш даражаларидир. 6 – жадвалда ўсма тромби даражаси билан боғлиқ бўлган жарроҳлик амалиёти мувофақиятли утказилишида ва

амалиётдан сўнг беморларни самарали даволашда тромб ҳосил бўлиш даражаларининг клиник тавсифи келтирилган.

6- жадвал

БХС билан касалланган беморларда ПКВ да тромб ҳосил бўлиш даражасига кўра ўсмаларнинг патологик хусусиятлари


Клиник тавсифи	ПКВ I даражаси		ПКВ II даражаси		ПКВ III даражаси	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ўсманинг ўлчами (см)						
Ўртача	8.9±2.8		8.5±2.8		9.1±2.9	
Паранефрал чарвига инвазияси						
ҳа	11	24,44±3,73	19	37,25±4,19	18	48,65±4,33
йўқ	34	75,56±3,73	32	62,75±4,19	19	51,35±4,33
Буйрак усти безига инвазияси						
ҳа	8	17,78±3,32	15	29,41±3,95	10	27,03±3,85
йўқ	37	82,22±3,32	36	70,59±3,95	27	72,97±3,85
баҳолаш N (беморлар сони)						
N-	34	75,56±3,73	32	62,75±4,19	25	67,57±4,06
N+	11	24,44±3,73	19	37,25±4,19	12	32,43±4,06
баҳолаш M (беморлар сони)						
0	37	82,22±3,32	32	62,75±4,19	15	40,54±4,26
1	8	17,78±3,32	7	13,73±2,98	3	8,11±2,37
ПКВ интима қаватига инвазияси						
ҳа	14	31,11±4,01	26	50,98±4,33	28	75,68±3,72
йўқ	31	68,89±4,01	25	49,02±4,33	9	24,32±3,72
БХСнинг гистологик тури						
Ёркин хужайрали тури	37	82,22±3,32	41	80,39±3,44	31	83,78±3,2
Хромофил тури	3	6,67±2,16	2	3,92±1,68	4	10,81±2,69
Хромофоб тури		2,22±1,28	2	3,92±1,68	1	2,7±1,41
Йиғувчи найчалар саратони		2,22±1,28	1	1,96±1,2	0	0±0
Дифференциалланма ган		2,22±1,28	1	1,96±1,2	0	0±0
Саркоматоид тури	2	4,44±1,79		1,96±1,2		2,7±1,41
Фурман буйича градацияси						
G1	4	8,89±2,47	3	5,88±2,04	3	8,11±2,37
G2	37	82,22±3,32	42	82,35±3,31	30	81,08±3,4
G3	3	6,67±2,16	5	9,8±2,58	4	10,81±2,69
G4	1	2,22±1,28	1	1,96±1,2	0	0±0

Тромбни паранефрал чарвига ёпишиши БҲС билан касалланган беморларнинг ҳаёт давомийлигини аниқлашда энг миҳим прогностик омиллардан ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларда ўсма тромбининг 3 – даражасида тромбнинг паранефрал клетчаткага инвазияси сезиларли даражада кўпаяди ва $48.65 \pm 4.33\%$ мижозларда учрайди, 1 – 2 даражаларида эса бу ҳолат 32% гаҳам етмайди.

Тромбнинг буйрак усти безларига инвазияси ҳам БҲС оқибати учун жуда ёмон предикторлардан бири ҳисобланади. 6 – жадвалдан кўришиб турибдики тромб ҳосил бўлишининг 2 ва 3 – даражаларида бу ҳолат 1 – даражага қараганда кўпроқ кузатилади ($17.78 \pm 3.32\%$). БҲС да регионар ва узоқ метостаазларнинг учраш ҳоллари тромб ҳосил бўлиш даражаси билан карреляция қилинади. Энг кам метостаазлар ўсма тромбининг 1 – даражасида кузатилади ($75.56 \pm 3.73\%$). $82.22 \pm 3.32\%$ беморларда регионар ва узоқ метостаазлар умуман кузатилмади. Тромб ҳосил бўлиш даражаси ошиши оқибатида метостаазларнинг кўпайиши кузатилади.

Пастки ковак вена интима қаватига инфильтрация БҲС да канцерогенез кечишининг ноҳуш омилларидан ҳисобланади. Тромб давомийлиги ошиши билан бу патологик белгининг учраши кўпаяди. Ўсма тромбининг 3 – даражасида бу кўрсаткич $75.68 \pm 3.72\%$ етади.

БҲС нинг гистологик тури жарроҳлик амалиётидан кейинги терапияга чидамлилигини аниқлайди. Бу тромб ҳосил бўлиши даражаси билан боғлиқ эмас. БҲСни даво муолажаларига чидамли турлари барча гуруҳларда деярли бир ҳил. Фурман бўйича G3 босқичи БҲС ни даволашда ноҳуш оқибатларга олиб келиш бўйича хавфлироқ ҳисобланади. Тромб ҳосил бўлиш 3 – даражагача кўтарилса, бу босқич $10.81 \pm 2.69\%$ га ўсади.



1-расм. Беморларни жарроҳлик йўли билан даволанганда ПКВ тромби давомийлигига боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган, ўлимга олиб келадиган ва ўлим хавфини туғдирадиган асоратлар

1 – расмда беморларни жарроҳлик йўли билан даволанганда ПКВ томби давомийлигига боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган, ўлимга олиб келадиган ва ўлим хавфини туғдирадиган асоратлар тўғрисида малумотлар келтирилган. Тромб ҳосил бўлиш даражаси ошиши билан бундай асоратлар кўпаяди.

